



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021-yil 22 - aprel

894и -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Рузибаев Махмуджон
Хасанбаевичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Маънавият” маҳалласида яшовчи фуқаро Рузибаев Махмуджон Хасанбаевичнинг “Маънавият” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 22 февралдаги ШЯ-Р-687-сонли аризасини, “Маънавият” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 15 февралдаги 402-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Маънавият” маҳалласида жойлашган 6 (олти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 90,0 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 72,0 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 162,0 квадрат метр, қурилиш ости майдони 210,0 квадрат метр, умумий ер майдони 915,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Рузибаев Махмуджон Хасанбаевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Рузибаев Махмуджон Хасанбаевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Рузибаев Махмуджон Хасанбаевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев